



"Сен – қудрат манбай, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!"

ЖАМИЯТ

№ 35 (712)
2020 йил
1 сентябрь,
Сешанба

Ижтимоий-сиёсий газета




2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ва муҳтакимлар!

Аввало, сиз азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Айни пайдо ушбу тантанали маросимни жойлардаги студияларда, шунингдек, уйларида "ойнаи жаҳон" орқали томоша қўлаётган, менинг табрик сўзларимни эшигит турган мўтабар отахон ва онохонларимизга, мунисопа-сингилларимизга, азиз ёшларимизга, барча-барча юртошлиларимга ўзимнинг юксак эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълум, пандемия туфайли бу йил Мустақиллик байрамини ҳар доимигидек катта тантана на саилар билан нишонлай олмаяпмиз.

Халқимизнинг саломатлигини ўйлаб, байрам тадбирларини ихам шакла, онлайн режимидаги ўтказмоқдамиз. Лекин ҳар йилгидек, машҳур санъаткорларимиз ушбу кутлуг санага атаб катта-катта концертлар, бадиий дастурлар тайёрлашган ва улар телевидение орқали халқимизга тақдим этилади.

Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг

улуг ва муқаддас бўлган бу байрам шукух оиласларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади.

Хурматли дўстлар!

Башарият тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир ҳалқ факат ёрқин ва озод бўлган тақдирдагина, ўз ҳаёти ва келжагини мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. "Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!" деб миллат озодлиги йўлида жонини фидо қўлган улуг аждодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди.

Халқимизнинг бекиёс жасорати ва матонати билан Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуганиевич Каримов бошчиллигига кўлга кирилган давлат мустақиллиги ана шу асрий орзумизни амалда таъминланган олам-шумул воқеадир.

Биз қандай таҳликали ва суронли

давларни бошимиздан кечирмайлик,

қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик гояси, истиқлол руҳи бозига доимо төғдек таянч бўлмоқда.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, доинишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидой меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб кельмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, турор ва шаъннимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчиликимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин садиға бўйи қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кеттанди "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эриштаган залвори ютуқларимизнинг ёзтироғидир.

Халқимизнинг улувор курдати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир йўниғони – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги ҳалқ эмас.

Истиклол йилларда босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртани кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантишининг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалта ошираётган ислоҳотларимиз бу борада ҳал қуловчи омил бўлмоқда.

"Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сарі", деган даъваткор гоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳукуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида мухим қадамларни кўймоқдамиз.

Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис этиб яшамоқда.

Бугун бир ҳақиқатни катъий ишонч билан айтиш мумкин: дунёда турли ҳаф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайб берабётган ҳозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда.

Азиз юртдошлар!

Сизларга маълумки, шу йил бошида 2020 йил учун улкан режа ва мақсадларни белгилаб олган эдик. Бироқ жаҳон миқёсида юзага келган корона-вирус пандемияси ва иқтисодий инқиroz, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги рўй берган табиий ва техноген оғат-

ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!

Тўрақўрғон туманини 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўқиз йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги нутқи

лар барчамизнинг иродамизни жиддий синовдан ўтказди. Тош келса, кемириб, сув келса, симриб тобланган ҳалқимиз бу оғир кунлардан ҳам ўзининг сабр-матонати, меҳр-оқибати ва меҳнаткашлаги билан янада кучли бўлуб ўтмоқда.

Хозирги мураккаб вазиятда биз унун фоит мухим иккита вазифани самарали ҳал этиши энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни, биз аҳолимизнинг соглиги ва ҳаётини асрар, шу билан бирга, иқтисодиётимизни тиклаш, одамларга ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериши муммосини бир пайтнинг ўзида ҳам этмоқдамиз.

Пандемия даврида ҳалқимиз том маънода құдратли кучга айланди. Буни "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати яна бир бор яқдол намоён этди. Бу эзгу ташаббус ишбилиармон ва тадбиркорларни, фидойи ёшларимизни, барча-барча ватандошларимизни олийжаноб мақсад ўйлида бирлаштириди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Даврон элининг жисмида жон бўлгил,

Ҳам жонларига мояи дармон бўлгил, —
деган сўзлари бугун янада теран маъно билан янгравомада.

Чиндан ҳам, ҳозирги давр ҳар биримизни саковат ва ҳиммат кўрсатиб, хайрли ишларимиз билан эл-юрг тардига дармон бўлишиш ундаломада.

Айни вақтда коронавирус мамлакатимиз тибиёт тизими учун ҳам жиддий синов, ҳам улкан тажриба мактаби бўлди.

Бу балоға қарши курашиш бўйича сўнти оғир давомидаги кўримаган ишларни амалга оширидик. Жумладан, кўплаб янги шифохоналар ва карантин зоналари ишга туширилди. Катта миқдорда кўшишча тибиёт усукуналари ва тез ёрдам машиналари ҳарид килинди. Энг илгор хорижий амалиёт ва ўзимизда тўплланган тажриба асосида даволаш усуллари такомиллаштириб борилмоқда. Коронавируста қарши курашда туну кун метин иро-да билан фаолият юритаётган тибиёт ходимларининг фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш доимий эътиборимизда туриди. Бундай чора-тадбирларимиз натижасида минглаб беморлар шифо топиб, оиласи бағрига қайтмоқда.

Чет давлатларга меҳнат қилиш бу ўйнинг кетиб, пандемия туфайли қўйналиб қолган тадбирорни топшириб берадиган катта ишларимиз давом эттирилмоқда.

Ҳеч ким ҳеч қаҷон унут-

маслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаф этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб кўйилмайди.

Барчангизга яхши маълум, дунёда икки соҳа вакиллари ўз қасбига садоқат борасида қасамёд қабул қиласди: булар – Ватан ҳимоячилари бўлган ҳарбийлар ва инсон саломатлигига масъул шифокорлар. Бунинг бејиз эмаслигини бутун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Муқаддас қасамёдига содик бўлган шифокорларимиз ҳозирги мураккаб вазиятда, керак бўлса, азиз жонларини фило қилиб, ҳархамонларча меҳнат қилмоқдалар.

Ҳалқимиз, давлатимиз сизларнинг матонат ва жасоратигизни ҳеч қаҷон унтурмайди.

Биз нечоғлик ҳаракат қилимайлик, афсуски, бу ҳавфли касаллиг бир қанча ватандошларимизнинг умрига зомин бўлди. Бу оғир ўйқотишлар юракларимизни ларзага солди. Негаки, бу инсонларнинг ҳар бири бизнинг жигарларимиз эди.

Шу ўринда янгиларидан жудо бўлган тадбирорни топширилди. Бу ийларга саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилади.

Ана шундай янрик лойиҳалар қаторида янги Тошкент металлургия заводини алоҳида қайд этиши зарур. Германия ва Италияning замонавий технологиялари ўрнатилган ушбу корхона экологик жиҳатдан энг тоза ва ҳавфиси бўлиб, ийлига 500 минг тонна металл прокати ишлаб чиқаради.

"Навоийзот" корхонасида ийлига 500 минг тонна азот кислотаси ва 100 минг тонна поливинилхlorид ишлаб чиқарадиган заводлар фойдаланиша топширилди. Ийл охири қадар бу ерда ийлига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамид ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам боялини бошлидай. Йигитдан барпо этилаётган "Ўзбекистон ЖТЛ" заводида "Шўртнгазким" комплексининг метан гази асосида ийлига 1,5 миллион тонна синтетик ёқилиг олиш йўлга кўйилмоқда.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ранги ва қимматбагча металлар тайёрлашни уч баробар кўйлайтиришга доир, шунингдек, нефть, кимё, электротехника, курилиш материалларни саноати, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзалив, ва башқа тармоқлар бўйича ҳам янрик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Иқтисолид қоҳдаги ана шундай кенг қўламли ишлочотлар туфайли ҳалқаро валюта захираларимизнинг ҳажми қарийб 5,5 миллиард долларга ошиб, жами 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта ютуғимиздир.

Иқтисолид қоҳдаги барқарор ўсиши суръатларини таъминлашда қишлоқ ҳужалиги алоҳида роль ўйнамоқда.

Мамлакатимиз корхоналари маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиши бўйича белгиланган режалар ҳам бажа-



рилмоқда. Йил бошидан бўён 9 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришганимиз ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда бир рақамга эътиборинизни қаратмоқчиман. Бу ийл республикамизда биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилади.

Ана шундай янрик лойиҳалар қаторида янги Тошкент металлургия заводини алоҳида қайд этиши зарур. Германия ва Италияning замонавий технологиялари ўрнатилган ушбу корхона экологик жиҳатдан энг тоза ва ҳавфиси бўлиб, ийлига 500 минг тонна металл прокати ишлаб чиқаради.

"Навоийзот" корхонасида ийлига 500 минг тонна азот кислотаси ва 100 минг тонна поливинилхlorид ишлаб чиқарадиган заводлар фойдаланиша топширилди. Ийл охири қадар бу ерда тадбиркорларни кўйлаб-куватлаш ҳамда улар ўз фоалиятини давом эттириши учун бизнес субъектларига турили имтиёз ва енгилликлар берилгани сизларга яхши маълум.

Бу ийл "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун 4 трилион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ишончим комил, ана шундай тизимили ишларимиз орқали ийл якунинг қадар ишлаб чиқаришга кўйиладиган узлуксиз фоалиятини ва иқтисолид қоҳдаги барқарорлигини албатта таъминлашимиз.

Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда кўплаб янги-янги корхона ва турархойлар, ўйл ва кўпприкалар, инфраструктура объектлари, им-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда биргина ижтимоий соҳасида ийлига 2 минг 400 ва яқин обектларни курилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Пойтахтимиздаги куни кечада тадбиркорларни таъминлашда қишлоқ ҳужалиги алоҳида роль ўйнамоқда.

Соҳани модернизация қилиш мақсадида ҳалқаро молия ташкентларининг маблағлари хисобидан қиймати 1 мил-

лиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда замонавий ҳоризмат марказларини ташкил этиши учун Жаҳон банкининг 500 миллион долларлик маблағи жалб этилди.

Биз кейинги йилларда қишлоқ ҳужалигини ри-вожлантиришга биринчи марта шундай улкан молиявий ресурсларни йўналтиримодамиз.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз бу йилги мураккаб шаронтида фидокорона меҳнат қилиб, галладан олти ярим миллион тоннага яқин ҳосил этишишилди. Чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз экинларни этишишириш бўйича ҳам салмоқи натижаларга эришилмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимизга, ернинг ҳақиқий эгасига айланётган клaster ҳужаликвари ходимларига, барча дала меҳнаткашларига самимий миннадорчилек билдиришига руҳсат бергайсиз.

Хурматли дўстлар!

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасини ри-вожлантиришга алоҳида аҳамият қартилмоқда. Пандемия даврида тадбиркорларни кўйлаб-куватлаш ҳамда улар ўз фоалиятини давом эттириши учун бизнес субъектларига турили имтиёз ва енгилликлар берилгани сизларга яхши маълум.

Бу ийл "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун 4 трилион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда биргина ижтимоий соҳасида ийлига 2 минг 400 ва яқин обектларни курилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда кўплаб янги-янги корхона ва турархойлар, ўйл ва кўпприкалар, инфраструктура объектлари, им-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда биргина ижтимоий соҳасида ийлига 2 минг 400 ва яқин обектларни курилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Пойтахтимиздаги куни кечада тадбиркорларни таъминлашда қишлоқ ҳужалиги алоҳида роль ўйнамоқда.

Кадрларни сингари мұхташам мажмуалар, барча ҳудудларимизда қад кўтараётган замонавий бино ва иншоатлар ҳалқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далолатидир.

Кадрларни сингари мұхташам мажмуалар, барча ҳудудларимизда қад кўтараётган замонавий бино ва иншоатлар ҳалқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далолатидир.

Маълумки, миллий мустақиллигимизнинг бош мақсади юртимиздаги ҳар бир инсоннинг иззат-хурмати ва қадр-қимматини жойига кўшишдан иборатидир.

Биз ана шу эзгу ишни давом эттириб, ижтимоий адолат таъмийли асосида аҳолининг ёрдамга мұхтож кўллаб-куватлаш, камбағалликни камайтиришини давлат сиёсати даражасига кўтардик. Жумладан, ижтимоий нағафика билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди. Йил якунига қадар уларнинг сони ҳозирги 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилади. Ушбу тоифани кўллаб-куватлаш ва иқтисолид қоҳдаги тиклаш учун давлат бюджетидан ўн икки ярим трилион сўм маблағ ажратилди.

Кейинги пайтда уйма-уйқориб ўрганиши орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжданд оиласларни аниқлашнинг ўзига хос янги тизими шакллантирилиши. Шу асосидан, умумий ҳисобда, моддий ёрдам кўрсатиш учун 417 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, сентябр ойидан моддий ёрдам ва кўмакка мұхтож, бокувчисини ўйқотган оиласларнинг фарзандларини ва ногиронлиги бўлган болаларни кишики кийим-бosh тўлпамлари, мактаб формаси ва ўқув курслари билан таъминлаш мақсадида 426 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг кўламли ишлар илгари ҳеч қаҷон бўлмаган.

Бугунгун кўтлуг айёмда Ватаннамиз келажаги бўлган ўшларни топширишни камоли йўлида қилаётган ишларимизни эслага олишимизиз табиийидир.

Сўнти тўрт йилда мамлакатимизда 43 та олий таълим мусасасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Бу ийл олий ўқув курсларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топшириди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Ушбу кўрсаткичлар, аввало, фарзандларимиз ва уларнинг ота-оналари қалбидаги эртаниги кунимизга, келажакка бўлган катта оруз-умид ва ишончдан дарак беради.

Ана шу ўғил-қизларимиз

Интенсив усулда балиқ етишириётган аҳолини ўқитиши ўйлга кўйилади.





Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўқиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи

яқинда кириш имтиҳонларини топширади. Келинглар, бўлгуси синовларда ҳамма фарзандларимизга омад ва зафарлар тилайдик!

Ёш авлод тарбиясида ҳал қуловчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида ҳам улкан ўзғаришлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ихтинослашган ва ижод мактаблари барпо этиш, "Замонавий мактаб" дастурини жорий этиши борасидаги ишларимиз ҳам узлуксиз давом эттирилмоқда.

Юртимизда ёшлар ишлари агентлиги, ёшлар масалалари бўйича идораларо кенташ ташкил этиди. Олий Мажлис палаталари хузурида ёшлар парламентлари, Инновацияларин ривожланни вазирлиги қошида ёшлар академияси тузилди. Худудларда "Лойиҳалар фабрикаси" иш бошлади.

"Ёшлар – келажагимиз" давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ўғил-қизларимизнинг 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига карийб 1,7 трилион сўм миқдорила имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фарзандларимизнинг истеъод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаолигини ошириш, ҳётга муносиб ўрин эгаллашларин учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан бўён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларининг ҳуққува мағнафатлари, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳам иззил давом эттирилмоқда.

Хабарнинг бор, кам таъминланган оиласларда камол топаётган қизларимизнинг билим олиси имкониятни кенгайтириш учун бу йил янги тизим жорий этдик. Унга мувоффик, ушбу ўкув йилида олий таълим даргоҳларининг кундузги бўлимларига бундай қизларимиз учун давлат гранти асосида 940 та қўшимча ўрин ажратилди.

Азиз ватандошлар!

Хозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораёттанини ҳаммамиз қўриб турибиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бероламиз. Шунинг утун ҳам ушбу стратегик вазифа бизниси фаолияти мизда устувор ўйналишга айланмоқда.

Сўнгти йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг наукаларини амалиёта татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларин қўлга киритмоқдалар. Хусусан, математика, физика, кимё, биология, астрономия, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошса соҳаларда жиддий амалий наукаларга эршишилмоқда. Математика, кимё, биология фанларини ривожлантириш ва уларни ўқитиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилимоқда.

Ўйлайдиканки, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ҳалқаро мукофотни тъсис эттанимиз математика соҳасида ёш иқтидор эгаларини рабbatлантиришила яна бир муҳим омил бўлади.

Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат мустаҳкам маънавий пойдеворга эга бўлгандинга юксак тараққиётта эриша-

олади.

Шу мақсадда биз "Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси" доирасида умумталим мактабларидаги биринчи марта "Тарбия" фанини жорий этмоқдамиз.

Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириши бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишондаймиз.

Кейнги пайтда қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида маданиятимиз ва санъатимиз ривожи янги босқичга кўтарилимоқда.

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳалар ривожига ҳам алоҳида эътибор

қараш -
т и л -
моқда.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази -
д и -
и з а -
и с и с -
марка -

зи қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Ушбу бетакор мажмуа ҳалқимизнинг асрлар давомида жаҳон цивилизациясида кўшган улкан ҳиссасини намоён этади. Яқинда Имом Моторидий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш борасида бошлаган сабый ҳаракатларимиз ҳам мана шу ҳайрли ишларининг ўзий давомидир.

Мамлакатимизда инсон ҳуққува ва эркинликларини таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуққулари кенташи сессиясида Суд-ҳуққуқ тизимида Ўзбекистон эришаётган амалий науқияларнинг эътироф этилган бу борадаги фаолияти мизда устувор ўйналишга айланмоқда.

Юртимизда биринчи марта "Инсон ҳуққулари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси" қабул қилинди.

Шу йил август ойида ёшлар ҳуққуларини ҳимоя қулишнинг долзарб мосалаларига бағишилаб, Самарқанд веб-форуми ўтказилди. У нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ёшлилар ҳётта ишларни яхшилаш учун глобал ҳамкорликни кучайтиришга қаратилгани билан муҳум аҳамият ятади.

Юртимизда суд-ҳуққуқ тизимини тақомиллаштириши, жинонга оид қонунчиликни либераллаштириш, тўғри йўлдан адашган инсонларни соглом ҳётта қайтиарish юзасидан ҳам тарихий қадамлар ташланди.

Сўнгти пайтда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан афв институти кенг кўлланётгани ҳалқимизга хос бағрикенлик ва инсонпарварликнинг амалий ифодасидир. Ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида Мустақиллик байрами арафасида яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра, қўлимиши чин дилдан пушшаймон бўлиб, қатъий тузалиш ўйлига ўтган 73 нафар шахс жазони ўташ муассасаларидан озод қўлинини, ўз оиласи бағрига қайта-

рилди. Шунингдек, 40 нафар фуқаронинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Инсон ҳуққуларининг энг муҳим шарти бўлган шахснинг фуқаролигини тиклаш бўйича ҳам салмоқли қадамлар кўйилди. Кўн йиллар давомида юргизмизда яшаб келаётган бўлса-да, фуқаролик ололмай юрган, бу юксак макомни узоқ вақт интиқоб кутган 50 мингдан зиёд кишига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилиди.

Тараққиёт кушандаси бўлмиш иллат – коррупцияга қарши мамлакатимизда кенг кўламда кураш олиб борилмоқда. Шу борада янги тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этиганимиз бу масаланинг долзарблиги ва доимий эътиборимизда бўлишидан далолат беради.

Жамиятимиз ҳаётининг барча жа-

бҳаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик таомий илларидан

ни чукур қарор топлириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрништи бўйича бошлаган ишларимиз ортига қайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Барчаниз ҳадардорсиз, ҳозирги мурakkab шаронтига қарамасдан, биз зимишмиз олган барча ҳалқаро мажбуриятлар ва келишувларни тўлиқ бажариб келмоқдамиз. Хорижий шерикларимиз билан ўзаро манбаатли ҳамкорликни фоал ривожлантиримоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, корона-вирусга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлини сақлаш ташкилотига, Ҳунарнинг Ҳунарни, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Япония ва бошқа ҳамкор давлатларга ҳалқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этаман.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиши ва тараққиёт банки, Осиё инфратузимла инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга қўшма дастур ва лойиҳаларни кўллаш-куватлаш ҳамда пандемия оқибатларни юмшатиш борасида кўрсатган ёрдамлари учун миннандорлик билдираман.

Айни вақтда бизни Мустақиллик байрами билан кутлаётган барча узоқяқин давлатларнинг ҳалқтарига, чет эллил дўстларимиз ва ҳамкорларимизга тинчлик-омонлик, фаронсонлик ва равнақ тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги оғир вазият ҳар биримиздан ўз биримиятимиз ва маъсуллиятимизни янада кучайтиришин талаб этмоқда.

Ҳалқимизда "Кўз – кўркоқ, кўл – ботир", деган чукур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиш ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳҳам

боглаб, пок ниyat билан меҳнат қилсан, шубҳасиз, кўзлаган мэрраларимизга эришамиз.

Мұқаллас китобларда айтилганидек, ҳар қандай қийинчилек ортидан албатта бир енгиллик келади. Барчамиз бунга ишонамиз ва қодир Оллоҳдан шуну сўраймиз.

Хали кўн Наврӯз ва Ҳайит айёлари ни, тарихий саналар ва умумхалқ байрамларни ҳаммамиз биргалиқда шуду хурралмик билан ўтказамиз, иншооллоҳ.

Мана, келгуси йили давлатимиз мустақиллигига ўттиз йил тўлади. Мамлакатимиз тарихидаги ушбу унтилымас шонли санани ҳар томонлама муносиб ишонлашни ният қўлганмиз. Илоҳим, шу кунларга соғ-омон, ёруғ юз билан этиш ҳаммамизга наисб этсин.

Маълумки, бутунг байрам арафасида турли соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилаёттан ишни ва хизматчиларга, курувчи ва тадбиркорларга, фермер ва дэҳқонларга, навқирон ёшларимизга мувфақиятлар тилайман.

Бутунг имкониятдан фойдаланиб, ўз инсоний бурчи ва фуқаролик маъсуллиятини чукур англаб, истиқолимизни мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилаёттан ишни ва хизматчиларга, курувчи ва тадбиркорларга, фермер ва дэҳқонларга, навқирон ёшларимизга мувфақиятлар изҳор этаман.

Эл-юрг манбаати йўлида ўзини аясмасдан хизмат қилаёттан ҳурматли депутатларга сенаторларимизга, ҳокимияти идоралари ходимларига, маҳалла фаолларига, ҳарбий либос кийган ўлонларимизга, илмий ва ижолкор зиёлиларига, муҳтарам нуронийларимизга, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаатли вакилларига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Мен турли синон ва курашларда тобланам, иймон-иродаси мустаҳкамлаштиришга ишонаман.

Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, буғунги синонли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжатларига ишонади. Жамиятимизни кураштадиги ҳалқимизда махалла фаолларига, ҳарбий либос кийган ўлонларимизга, илмий ва ижолкор зиёлиларига, муҳтарам нуронийларимизга, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаатли вакилларига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим! Сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўқиз ўйларига байрами билан яна бир бор чилдан табриклайман.

Барчанизга сиҳат-саломатлик, оилавий баҳт ва омад ёр бўлсин!

Фарзандлар, набиралар камолини кўриб юриши ҳаммамизга наисб этсин!

Гўзал ва бетакор юртимиз ҳамиша тинч ва фаронон бўлсин!

Мехнаткаш ва олижаноб, бағрикенг ҳалқимиз доимо соғ-омон бўлсин!

Яратганинг ўзи барчамизни паноҳида арасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ЎзА.

Андижон вилояти Бўстон туманида инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.



Дўстлик, қардошлиқ – кудратли күч

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк кунданоқ ички ва ташқи сиёсатида ўз йўлини танлаганини дунё ҳамжамиятига эълон қилди. Миллий Конституциямизда таъкидланганидек, Ўзбекистон халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган қоидалири устунлигини тан олиб, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида барча мамлакатлар билан муносабатларда тўла хукуқли субъект сифатида халқаро майдонга кириб келди. Иигирма тўққиз йил мобайнида юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон хукуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасиning ташқи сиёсат борасида амалга оширган ижобий ташаббуслари бутун ўз натижасиши беширина бошлади. Олий даражадаги учрашувлар мамлакатизмининг жаҳон ҳамжамияти олдилаги курмати ортишига ижобий тасдиқ кўрсатди. Ўзбекистон БМТ, ШХТ, МДХ, ЕХХТ каби ҳалқаро тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтиргомда. Бугунки кундадавлатнимиз хорижий мамлакатлар билан муносабатларни сиёсий ишонч ва ҳамкорлик асосида курмокда.

Хорижий мамлакатлар билан келгусидаги муносабатларни ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2019-2022 йилларга мўлжалланган “йўл хариталари” тасдиқланди. Позитив имижини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётганинг гувоҳи бўлиб турбанди ахборотни кўрсатада.

миз. Хорижий инвестицияларни ва янги технологияларни жалб этиш борасида кўпілаб шартномалар тузилиб, мамлакатимиз иқтисолдиги ривожланишига асос бўлмоқда. Миллий маҳсулотлар экспорт ҳажми жалал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Халқаро иқтисолдиги ақоллар тизимида миллий туризмнинг ривожланиши катта аҳамиятига эга. Шунинг учун мамлакатнинг туристик имкониятларини дунёга намоён қилиш мақсадида халқаро туристик ярмаркалар ва кўргазмалар ўтказиб келинмоқда. Фан, таълим, маданийтсоҳасида ҳам чет эл мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлик йўналишлари йилдан йилга кўлайшиб бормоқда. Мамлакатимизда қатор хорижий олий ўкув юргларининг филиаллари ўзбекистонлик ёшларини рагобатгардош кадр этиб тайёрлашни бошлади.

Ташки сиёсат фаолияти асосида очиқлик, тенглик ва ўзаро манфаатлилар тамоиллариёттегани боис мамлакатимиз барча давлатлар билан дўстона муносабатларни ўрнаташига муваффақ бўлди. Айникуса, Марказий Осиё минтақасидағи мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши кўшиничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жihatдан янги босқичга олиб чиқиш долзларбоз вазифа хисобланади.

Халқаримиз ўтрасидаги қардошлик ришталари ўзаро хурмат ва дўстлик муносабатлари, маданий қадиряллар орқали узвий боғланганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Дўстлик — кудратли куч. Мамла-катимизда ички сиёсатидаги ҳаммиллатлараро ҳамдўстликни юксак даражага олиб чиқиши борасида яхши ташабусларни илтари сурилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши миллатлараро тутувлика қаратилгани, ҳар йили “Ўзбекистон — умумий уйимиз” фестиваллари ўтказилиши, турил милят вакилларидан иборат миллий маданий марказларнинг фаолияти олиб бориши ҳам бу борада қилинётган ишларни исботидири. Ўзбекистонда “Халқар дўстлиги” кўкрак нишони тасвир этилиши ва ҳар йили 30 июльда “Халқар дўстлик куни” ҳамда 16 ноябрь “Халқар бағрикенглик куни” арафасида топширии таклиф этилди. “Халқар дўстлиги” кўкрак нишони тўғрисидаги низомига кўра кўкрак нишони билан ўзининг жонкуярлиги билан юргитмизда яшаётган барча миллар ва залаторнинг вакиллари ўтрасида миллатлараро дўстлик ва тутувлик муҳитини мустаҳкамланишига муносабиҳи хисса кўшган, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари

фаолияти самарадорлигини ошириш борасыда фидокорона мөхмандар күлтән, шунингене хөрижий мамлакатлар халқлари билан дүстлик вә ҳар тарафдан мағниторлык ривожлантирища самарали натижаларга эришгандай фуқаролар тақдирларади.

Фаол ташкى сиесат қонунчилек соҳасида ҳам ўзгаришларни тақоюз этади. Бу йўналишида парламентнинг олдига қатор вазифалар бажарилиши талаб этилмоқда. Авваломбор, парламентимиз халқаро ҳамкорликнинг ҳукуқий асосларини шакллантириша фаолиятини янада ҳам хонлантариши давр талабидир. Халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз нуғузини ошириш йўлида парламент назоратининг мавжуд механизмлардан самаралийида ишлаб чиқишини стратегияси ишлаб чиқилди. Халқаро миқёсидаги масалаларни ечишда парламент дипломатияси катта ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, Олий Мажлис палаталари олдига парламент дипломатияси концепцияси ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалаларида ҳар йиллик дастурларни қабул килиш ва уларнинг ижоросини каттыйи назоратга берса, МДДҲ макалалари куради. Парламентлардо итифоқ миллий гурухларда ташкил этилган парламент аъзолари ўтасидаги шахсий алоқарни рабатлантириши, уларни вакилилар институтларини мустаҳкамлаш учун биргалиқда ишлаш, шунингдек, парламентлар ўтасидаги ҳамкорлик масалаларини илгарли сурши мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси 2017 йилда Парламентлардо итифоқ аъзолигини қайта тиклаб, ташкилот сессияларида фойдалантишини келмоқда. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилек палатаси спикери биринчи ўринbosari А.Саидов ушбу нуғузли ташкилотининг ижория кўмитаси аъзолигига сайланди. Бу esa ўз навбатида мамлакатта халқаро парламентлараро тузилмаларининг фаолият майдонларидан самаралийида ишлабданган имкониятини яратади.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, иISON ҳуқуқлари, эркинликлари ва мағнаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тарақкӣӣ этириш, унинг ҳалқаро майдондаги обрӯ-этиборини юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятини билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш Узбекистон сиёсатининг доимий ва муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Президентимиз тавбири билан айтганда: “Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва қўй қўррапи ширекатликни янада кўчайтирамиз”.

**Нодира ЖОНИБЕКОВА,
Олий Мажлиси Қонунчылык
палатаси депутаты**

Орзу истаклар рўёби

Бугунғы кунда мамлакатымызда қандай соғын олмайлык, барчасыда тараққиёт ва ривожланишга қаратылған улкан ишлар амалға оширилаётганиңа гувох бўламиз.

омил бўлмокда.
Мамлакатимизнинг бар-ча худудларида давлат капиталалўйилмалари ва бошқа инвестицион дастурлари асосидан замонавий якка тартибларга ва кўп қаватли уй-жойлар, шифононалар, ўкув мусасасалари, матмутий билор, спорт маҳмумлари ва ишшотлари, автомобил йўллари, метрополитенлар, саноат ва ишлаб чиқариши корхоналари, инфра-тузилма объектлари ва муҳандислик тармоклари курилиши, ободонлаштириш ва кўкалам-зорлаштириш ишларидаги жадал ривожланishi суръатлари яққол намоён бўлмокда.

Соҳадаги такомиллашувга
мос равишда унинг ҳуқуқий
асослари ҳам мутаносиб ра-
вишда мустаҳкамлаб борила-
ётгани мазкур йўналишдаги
сайъ-харакатларнинг риво-

жига хизмат құлмоқда. Хусусан, жаәрәндеги муносабатларни тартиға солиши, назорат қылаш, худудларнинг бош режалари ишшап чықыпшила вада тасдиқла- нишида ақолининг бевосита иштирек этиши, унинг жамоат экспертизасидан үтказиш, курилиш мөттөв вада қоидаларни янгилаш вада ҳалқаро нормативлар билан үйгүнлаштырыши, умуман олғанда соғаны такоми лаушти- риши мақсадыда яқында Олий мажлис Конунчилык палатасыда Күрилши вазирилдиги томондан

Таъкидлаш жоиз, мазкур кодексни такомиллига етказиши жараёнди. Қонунчиллик палатасидаги барча сиёсий партиялари фракциялари фаол иштирок этди. Мұхаммадалар чөнди улар томонидан билдирилған тақлий ва тавсиялар кодекснинг мұкабалашуига хизмат килди. Натижада



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллад-куватлани жамоат фондининг “Фаронсон ҳаёт қонун устуворлигига” грант лойиҳаси асосида тайрланди.

Маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича таклифлар давлат экспертизасидан ўтказилади.

Ўзбекистон – азиз-авлиёлар юрти. Улар халқимиз қалбида ғуур ва ифтихор уйғотиши билан бирга бой ижодий мероси билан маънавий оламимизга чексиз озиқ беради. Аждодларимиз қолдирган бебаҳо хазина ноёб қўллэзма, нодир китоблар кўринишида ажойиб мулк бўлиб, кўнгли-мизни қувнатади. Албатта, ана шу меросни зукко мутахассисларимиз, олимларимиз ўрганиб шарҳлаб берадилар. Лекин оддий одамлар ўша хазинани дилдан англаб ет-масликлари мумкин.

Қалом илмининг шамшири

Талабалик йиллари бир орзум бұларды. Қаны энди, ижтимой ғилимлар хәйти сюзетлар шақыпда содда іфода этилса. Кейінчалық устозымиз Пирмат Шермуҳаммедов Махмуд аз-Замахшарий хәтиғ қақида бадий асар яраттанида орзумдыш амалта ошған вәде-ла китоби туғайли араб илмиға чисса күштан Махмуд аз-Замахшарий хусусида көңг маълумоттарға эта блгандык.

Калом илми даргалиридан бири Абу Мун ан-Насафий қолдиган мерос ҳакида ҳам шундай фикр билдириши мумкин. Таниқи ижодкор Шомуруд Шарапов қаламага мансуб "Ҳақиқат қылчи" романнин ўқиган китобхон Абу Мун ан-Насафий ижоди ҳақида ачнча-мұнца маылдомтаған бұлалы. Роман Насафийнинг норасида гүдак даврида субхи-дамдағы гүсл қылыш лавҳасидан бошланади. Бу билан мұалифтің гүё китобхоннан ҳам таҳорратта чорлагандай бұлалы. Ҳа, улуг-ишиғ киришиздан олдин дил-ларни покловчи ихлюс – әльтиқод зарур.

Дүнгө яқинда келган бола-
кай чавандозлар ҳаракатидан
нафс нима экзанплигини тушу-
нишга интилади. Бунинг ажыб
қызығынан шолданган бобо-
си шундай деген экан: "Халдың
шукрлар бұлсын сенға, Аллохум!
Зуррийдімдам яны бир илм ахы-
вакиали пайдо бўлаёттанига
имон келтирадурмэн..."

Китобда баён этилишича, бўлғуси олимнинг боболаридан бири Абу Мутиз Макұл ал-Фазіл ал-Насафий ҳазратларни Мовароуннахъ калом мактабининг даргаси бўлмиш самарқандлик Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари билан бир даврда яшад, ишм олган ва ораларидаги дўстлик ришталари мустаҳкам бўлган.

Абу Мун Насафий бўм-бўш жойда пайдо бўлмаган. Олам сирларини билишга қизиққан бола бир-бирларига чамбарчас боғлангиз кетган узуг силсила-нинг олтин ҳалқасидир. Бўла-жак аллома аждодлар қолдирган мероснисе боболаридан сўраб ўрганган ва қейинчалик улар қолдирган китобларни синчичиклаб ўқиб чиккан.

Бобо ва набиранинг мозорга зиёрати ҳам ўзгача ҳикоя қилинади. Унда ўтмишга эътиқод ва ҳурмат рамзини англаш мумкин.

Асарда китобхон зътибори-
га ҳавола қилинган билимлар

дил-дилдан ҳалоллик Аллоҳ ис-
тагидаги йўл эканлигига иймон
келтиради.

Абу Мун Насафий меросини ўқиши асносида кўп саволлар туғилиши мумкин. Шомурод Шарапонвинг ушбу китобидаги ўша муаммольлар савол тарзидаги кўндаланг кўйлиб, сунг муфасал жавоб берилган. Айтайлик, жадал илмини мунозара илмидеб аталишига сабаб нима? Унга яккиси алдоман замонтар асоси

қоғозга тушириб юради. Китобат мұккаммал ұлға келтирилгач, Тамғочхон тайёр асарни күлиға олар экан, уни уч боралып, пешонасига босди. Ҳамма хоннинг мұносабатин кутардиди. Нинзәл-улус олдидеги каломин шундай бўлди:

— “Ат-тамҳид ат қавоид ат тавҳид” китобини варақлар эканман, унинг ҳар бир саҳифасида муборак ислом динимизниг соғфити йўтига мудал

Макка зиёрати асносида шу ерлик аллома Абул Восеъ ал-Маккий хонадонида бўлиш ва уерда калом илмидан мунозара ўтказиш Абул Муин Насафийнинг накадар доно ва зуқко инсон эканлиги ни намоён этди. Баҳс ва мунозаралар давомида турли оқимларга мансуб вакилларнинг хато қарашлари тузатилди ва тўғри ечимга келишидни.

солган? Ҳанафий мазҳабининг тез ёйилишинга сабаб нима? Бирор кишини жамоат жойларидаги аҳли сунна билан жамоат мазҳабидага эканини қандай билиш мумкин? Бу саволларга жавоб олар экансиз, аллома қолдирған илм хазинасидан баҳраманд бўласиз.

Ёш аллома Самарқандга илм ахли сафига кўшилган пайдада Мотурдудаги калом-акоид илм марказининг фаол олимни сифатида тан олинади. Хон ҳазратлари Тамғочон Абу Муинни ўз саройидаги навбатдаги инжуманга таскиф қиласди. Анъянага кўра сарой уламолари даврасида бўлган ёш олимга фақат хоннинг ўзлари савол берадилар. Бошқалар эса ёш олимнинг жавобларини тинглаб, салоҳиятига баҳо беришади.

Шу нуфузли даврада Абу Мунин хоннинг барча саволларига хикматни сўзлардан иборат жавоб беради. Бу жавоблардан ҳам Насафийнинг илм борасидаги дурдона фикрларидан баҳрхаманд бўлиш мумкин. Жума намози турагач, хон ҳазрлатлари эзгу билактилиги киритади. Унинг фикрича, саволларга берган жавобларини янада кенгайтириб, омма тушунадиган содда тилда китобат қилиш тақлиф этилади. Шундай қилинса, муборак калом динимизни турли муҳолиф мазҳаблардан мудофаа қилишида айни муддао бўларди.

Хоннинг таклифини адо этиш ёш олимга кўп ҳам оғирлик қилмади. Сабаби, тавҳидга хос фикларини кўпдан бўён

Йүлда ўз бандасини имтиҳон қилишидир.

Маккә зиёрати асносиша шу
ерлік аллома Абул' Восеъ ал-
Маккӣ хонадоннда бўлиш ва
у ерда калом илмидан мунозара
утқизиб Абул' Мунис Насафий-
нинг накадар доно ва зуко ин-
сон эканлигини намоён этди.
Баҳс ва мунозаралар давомимда
турли оқимларга мансуб вакиль-
ларнинг хато қарашлари тузас-
тилди ва тўғри сўчимга келиши.

Шунда үзүр сима көлши. Шунда қилип, Абу Мун Насафий иккى йилу иккى ойда муборак ҳаж сафарида бўлди. Бу фурсатнинг узоқлигига сабаб ҳазрат боришида ҳам, қайтиша ҳам табаруку инсонлар қадамжоларини зиёрат қили. Хусусан Дамашқда Абу Наср Форобийнинг сунгит манзилида бўлди, асли ватаандоши бўлган Абу Туроб Нахшбайнинг қабрини излаб топни ва қабрдан ўз юртига тупроқ олди. Бу сафарларда қийин саргуаштларни бошлан кечирди, лекин ҳар гал ҳам Яраттанинг ёрлакагани узун омон қодди.


Абу Муин ҳаж сафаридан қайттач, бир ой қишлоғида бүлди. Шундан сүнг Самарқанд сафарига отланди.

Китобнинг бошидан охиргача Абу Мунн ҳозир бўлган турли давларларда ўтказилиган сұхбатлар бамисоли қизил иш бўлиши ўтади. Бундай мулоқотларда аллома мухлислари, шогирдлари, баъзан ўзга оқимлар вакили бўлмиш муҳолифлар, ҳар хил савиандиги хашлар иштироқ этишади. Баъзан ҳазрат сўзлари “Офарин, офарин” каби олқишилар билан тасдиқланса, баъзан ул хотта қўшилмайдиган кишиларнинг раддия саволлари ҳам эштиди. Бу китобхонада қизиқишни оширади, асарнинг жозигасини таъминтайти

Абу Мунин қаерда ўз фикрини билдирасын, ұмма жойда устози имом Мотурийдан күвватланады. Шу маънодда ушбы китоб фақат Насафий ҳақида эмас, айни пайтада Мотурийді таълимotti ҳақида ҳам дейиш мүмкін. Абу Муиннинг сұнгти соатлари Самарқандда, айни Мотурийді қаламжысқа ұтпандығы фикримиз истибодит.

Лиги філімніз исобидір.
“Хақиқат қылғач” тарих-хүжжатты романнин ўқиши асносида мозийдаги аждохлар билан ұламағас бұлғандай бўлдик. Юртимиз тупроғида шундай үзү алломалар яшаганидан гууррга тўлдик. Дарҳақиқат, ислом дини араблар ўлқасида туғилиб гүнча түккан бўлса, Моварооннахда гуллаб-яшнаганиша ишонч хосил қўйдик. Китоб муаллифи ўтмиш билан бугунги кунимиз ўртасида кўпприк бўлишини зиммасига олиб, кўп савоб ишша доҳил бўлган. “Хақиқат қылғач” барча замонларда иктилофларга зарба бўлгани ушбу китобни мутола да қилиш орқали кўнглімизда ишонч ўйратади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



Лицензия керакми? Рұксатнома-чи?

Бу борадаги тартиб таомиллар бутунлай үзгарады

Мамлакатимизда бугунги кунда имкон қадар халқымыннан яшаш шароитларини яхшилаш, табибиркорлар учун қулай имконияттар яратиш, ишчи ва хизматчилар нинг меңнат шароитларини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кейинги пайтларда лицензиялаудың фаолият турларини белгилаш, рұксатномаларни расмийлаштыриш борасыда янгиликлар жорий этиляпти.

Жумладан, 270 га яқин лицензияланадиган фаолият йұналишлари ва табибиркорлар соҳасидаги 140 та рұксат этиши хусусиятiga эта үхжатлар атрофлича таҳдил қилинди. Таҳдиллар мәймурый тартиб-таомиллардан үтишда ҳанузынча бирократик расмиятчиликка йўл қўйилёттани, лицензия ва рұксатномалар бир-бирини тақрорлаши, соҳада ахборот технологияларини жорий этиши таълаб даражасидаги эмаслигини кўрсатди. Бу борадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиши ҳамда ахборот технологияларини жорий этиши орқали уни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг "Лицензиялаш ва рұксат берши тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-табибирлари тўғрисида" ги фармони қабул қилинди. Унг мувофиқ, амалга ошириладиган ўзгаришлар ҳакида кўп ва ҳўп ёзиши мумкин. Келинг аввал қанақа эди-ю, энди қандай бўлганини бир солишириб кўрайдик.

Биринчидан, соҳага илк мэротаба ҳабардор қилиш тартиби алоҳида институт сифатида жорий этили. Ҳабарнома юборишида жисмоний ҳамда юридин шахслар қонун үхжатларидаги белгиланган талаб ва шартларга риоя этиши мажбуриятини ўз зиммасига олди ва уларнинг фаолияти белгиланган талабларни мувофиқ келишини ўзлари тасдиқлайди. Бунда фаолиятни бошлаш ёки ҳаракатни амалга ошириш учун ваколатли органларнинг үхжатларни кўриб чиқиб, қарор қабул қилишига ҳожат қолмайди.

Фармон билан 17 та лицензияланадиган фаолият йұналишлари ва 13 турдаги рұксатномалар ҳабардор қилиш механизмига үткизилди. Ҳўш, бу нима дегани? Илгари мак-

табгача таълим муассасалари, ломбард, ветеринария даволаш муассасалари раҳбарлари, ал-коголи маҳсулотлар билан чакана савдо қўйувчи ташкилотлар иш фаолиятини бошлаши учун тегиши идораларга бир кучоқ үхжат олиб боришилари ва уларнинг рұксатномасини бир неча кун давомида илжа бўлиб кутишлар лозим эди.

Бундан уч-тўрт йил илгар чекка вилюятда яшайдиган бир танишим уйидаги болалар боғаси очмоқчи бўлганди. У яшайдиган ҳудудда бирортаям мактабчага таълим муассасаси йўқ, ота-оналар ёш болаларини иккى қишлоқ наридаги боғчага олиб бориша ёки уйда олиб ўтиришаркан. Айтишича, уйда боғча очиши учун ҳамма шароит бор экан. Агар унинг нияти амалга ошиша, қишлоғига юзлаб болаларни тарбиялаш имкони туғилади, камиди 3-4 киши иш билан таъминади...

Орадан анча вақт ўтиб, "қалай, шарингиз битдими", деб сўрасам, "йўқ, "югур-югур", қоғозбозлик ишлари кўп экан, очиги, үхжатли ишларни унча тушунмайман, шунинг учун бошқа иш билан шугулланганим маъқул" деди. Кўяпсизми, бир кишининг хайрли нияти ана шу ортича расмиятчилик туфайли амалга ошиш қолди. Ким билсин, бу янгиликдан ҳабар топган бўлса, балки энди ниятини амалга оширади? Бундан бўён ана шундай фаолият турлари билан шугулланмоқчи бўлганлар ваколатли органларни шунчаки ҳабардор қилиб қўйиши, олам гулистон.

Иккинчидан, лицензиялашадиган ва рұксатнома олиш талаб этиладиган фаолият йұналишлари сони сезиларни равишда қисқартирилди. Хусу-

сан, инсон соглигига ва жамиятта зиён етказмайдиган фаолият турлари лицензиялашадан чиқариб ташланади ҳамда хавфлилик даражаси паст бўлган фаолият турлари тартибга солишнинг муқобил усулларига ўткизилди. Бунда "тартибга солиш гильотинаси" усулини кўллаш орқали айrim турдаги лицензия ва рұксатномалар беркор қилинди.

Лицензия ва рұксат берши характеридаги үхжатларни қисқартириш натижасидаги табибиркорлик субъектлари йилига кариб, 40 миллиард сўм тежаб қолиши мумкин. Масалан, юртимизда аудиторлик, баҳолаш, ризалторлик, фонограммаларни тайёрлаш, юкларни автомобиль транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида ва



шаҳарлараро ташиш фаолияти билан шугулланадиган хусусий корхоналар бор. Ўз-ўзидан кўриниб турдиги, бундай фаолият турлари билан шугулланадиган корхоналар ҳеч кимнинг соглигига зиён етказмайди, жамиятта фойдаси бўлса, борки, асло зиёни йўқ. Ана шундай корхоналар учун энди алоҳида лицензияни кераги бўлмайди. Шунингдек, энди сиз ўз корхонанига хориждан ишчи кучи жалб қўлмоқчи бўлсангиз, алоҳида рұксатнома тўғирлаш учун сарсон бўлиб юрмайсан. Ёхуд бирор тренажёр илимий тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қараштаган чора-табибирларни амалга ошириш белгиланди ҳамда 14 турдаги фаолият бўйича үхжатларни расмийлаштириш муддатлари қисқартирилди.

Бешинчидан, ваколатли органлар ташаббуси билан лицензия ва рұксатнома олишни талаб қиласа ҳам бунинг учун ортиқча қоғозбозлик, овочирчилик, ўйлаб сикилмасантис бўлади. Қўлингиздаги смартфон, планшет ёки иш столингиз устидаги компьютер оғирингизни енгил қиласи. Айни пайтда онлайн режимда ишлайдиган "Лицензия" ахборот тизими жорий этилади. Сиз барча талаб қилинадиган үхжатларни шу тизим орқа-

ли юклайсиз. Тегиши мутасадилар үхжатларингизни шу тизимда кўриб чиқишиди, қисқа вақт ичада рұксатнома ва үхжатларингиз қўлинингизга келиб тегади.

Бундан бўёғига ваколатли органларга мурожаат қилиш, үхжатларни топшириш факат электрон амалга оширилиши белгиланди. Энди табибиркорни ортиқча үхжатларни тақдид иштиглашга чек кўйилади. Лицензия берши учун бошқа идоранинг маълумотномаси ёки бошқа үхжатли керак бўлса, табибиркорга ҳеч ким "ўзинг топиб кел" деб шарт кўйлайди. Яъни, бунақа ишларни ваколатли орган ходимининг ўзи ягона тизим орқали олади. Табибиркордан факат озроқ компъьютер, ахборот технологияларидан хабардорлик талааб қилинади, холос.

Айттанча, энди сиз лицензияни ва рұксатномаларни ҳам эскича, қоғоз кўринишида олмайсиз. Фармон бўйича бу үхжатлар энди сизга QR-код қўйилган электрон үхжатлар кўринишида тақдим этилади.

Бир тасаввур қилинг, дейлик, Сурхондарёнинг олис Узун туманида спорт клуби очмоқчи бўлган табибиркор ўзи ишини тартибга солиши учун неча марта Термизга, яна бир неча бор Тошкентта югуриши лозим эди. Қанча вақт, пул, асабетарди. Фақат бугина эмас, байзан зарур үхжатни қўлга киритиш учун ё таниш-билишлар ё кимнингдир "томогини мояш" керак бўларди. Энди-чи, табибиркор ўзининг қишлоғидан, ҳатто, уйидан чиқмайтириб, барча үхжатларни ўтирган жойда расмийлаштирилди.

Тўртингчидан, фармон билан бизнес жаҳаёнлари ва маъмурӣ тартибларни кенг кўламли енгиллаштирилиши кўлда тутилган. Лицензия талааб ва шартлари рақобатни чекловчи қонаидарни, яныннан ва хизматларни бозорига кириб келишга тўсиқ бўлувчи омилларни қисқартириш нуқтаи назаридан қайта кўричилиди. Жумладан, 115 та лицензия ва рұксат берши хусусиятiga эта үхжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қараштаган чора-табибирларни амалга ошириш белгиланди ҳамда 14 турдаги фаолият бўйича үхжатларни расмийлаштириш муддатлари қисқартирилди.

Бешинчидан, ваколатли органлар ташаббуси билан лицензия ва рұксатнома олишни талаб қиласа ҳам бунинг учун ортиқча қоғозбозлик, овочирчилик, ўйлаб сикилмасантис бўлади. Қўлингиздаги смартфон, планшет ёки иш столингиз устидаги компьютер оғирингизни енгил қиласи. Айни пайтда онлайн режимда ишлайдиган "Лицензия" ахборот тизими жорий этилади. Сиз барча талаб қилинадиган үхжатларни шу тизим орқа-

на бу үхжатларни бекор қила олади. Акс ҳолда, судьянинг ўзи қонун олида жавоб бериси мумкин.

Олтингчидан, давлат унитар корхоналари ва муассасалари томонидан фаолиятнинг лицензияланадиган турларни тегиши лицензияни олмасдан амалга ошириши ҳукуқи бекор бўлди. Мазкур қонуда давлат корхоналарини хусусий табибиркорлардан устун қўйишга, бозорда тент бўлмаган шароитларнинг яратилишига, давлат корхоналарининг монопол мавқега эга бўлиб қолишига олиб келди. Шу билан бирга ушбу ташкilotларда лицензия талааб ва шартларга риоя этилиши устидан назорат амалга оширилмай қолиши каби салбий оқибатлар юзага келди. Фармонга кўра, қайд этиланган ташкilotлар жорий йил охирга қадар тегиши лицензияни расмийлаштириш чораларни кўришлари лозим.

Еттингчидан, соҳага самарали жамоатчилик назорати механизмилари жорий этилди. Фуқаролар бирор-бир шахснинг муайян фаолият билан лицензиясиз ёки хабарнома юбормасдан шугулланадиган ҳамда белгиланган талааб ва шартларни бузатётгани ҳолатларни аниқласа, бу тўғрисида тегиши ваколатли органларга хабар берса, ҳукуқбузарлик ўз тасдигини топлан тақдирдаundiрилган жариманинг 10 фоизи миқдорида пул мукофоти билан раббатлантирилади.

Тўғри, бир қарашда сал галитироқ, Ҳудди "қаҳимчилик"га ўшаб қолади. Лекин тасаввур қилинг: қўшнингиз алоҳида рұксатнома талааб қиласида иштиглаштаги тартиблари турнига ўтирган жойда расмийлаштирилди. Ахбори табибиркорлик сабабида шугулланадиган ҳамда шугулланадиган ҳолатларни аниқласа, бу тўғрисида тегиши ваколатли органларга хабар берса, ҳукуқбузарлик ўз тасдигини топлан тақдирдаundiрилган жариманинг 10 фоизи миқдорида пул бўлиб қоласи.

Шунингдек, ваколатли органлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларни аниқлаб, ҳабар беришадан ҳам фуқаролар раббатлантирилади. Нимаси ёмон? Сиз битта порахур, ўз ишига нолойик, бюрократ дамга нисбатан чора кўришида иштироқ этияпсиз.

Саккизингчидан, рұксат берши тартиб-таомилларига додир муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик тизимлаштириш, кодификациялаш ва норматив юқини қисқартириш чоралари кўрилади.

Бунда 20 йил аввал қабул қилинган "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида" ги, шунингдек, "Табибиркорлик фаолияти соҳасидаги рұксат тартиб-таомилларни тартибга солувчи қонунларни бирлаштириш" орқали ягона қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

**Рустам ЖАББОРОВ,
Адлия вазирлиги
мастуъи ходими**



Янги ўкув йили 14 сентябрдан бошланади

Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазирлиги хузуридаги
Электр энергетикада назорат инспекцияси
“ЎЗЭНЕРГОИНСПЕКЦИЯ”
ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон аҳлини
энг улуг, энг азиз байрам –
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
29 йиллик шодиёнаси билан
самимий муборакбод этади!*

*Азизи юртдошлар,
мамлакатимиз
тараққиёти борасидаги
саъй-ҳаракатларингизга
муваффақиятлар ёр бўлсин!*

